

## ИРРИГАЦИЯ СОҲАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ – БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРЬ МАСАЛАСИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Умидахон Марипжановна Ахмедова  
АҚХАИ Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида Андижон вилоятида сув хўжалиги соҳасида олиб борилган самарали ислохотлар ҳақида айтилган. Янги қурилган ирригация иншоотлари ва реконструкция қилинганлари бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, ирригация, мелиорация, суғориш иншоотлари, деҳқончилик, томчилатиб суғориш, насос станция.

### КИРИШ

Республикамизда ўтказилаётган аграр ислохотлар натижасида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида туб таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, юксалтириш учун янги ерларни суғориш айниқса муҳимдир. Суғориш ҳамма нарсадан зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўпроқ ўзгартириб юборади, яшнатади ва келажакка умид бағишлайди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Милоддан аввалги IV минг йиллик энеолит давридаёқ Ўрта Осиёнинг жанубида суғорма деҳқончилик вужудга келди, анҳор ва ариқлар очилди, унумдор ердан кенг фойдаланиб, турли ўсимликлар (арпа, буғдой, жавдар) экилди, мевачилик ҳам ривожланди. Бронза даврида эса сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этди. Суғорма деҳқончилиكنинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ривожи натижасида қўшимча маҳсулот ва хусуий мулк кўринишларипайдо бўлди.

Тарихдан маълумки, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўзбекистоннинг жанубида бронза даврида, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларида эса илк темир даврида шаклланиб ривожланди. Айтиш жоизки археологларнинг аниқлашича суғориш усули-ирригация тахминан ўн минг йил илгари қўлланила бошлаган. Ўша замонларда тупроқда сув режимини яхшилаш

учун тошқин сувларидан фойдаланганлар. Нил, Дажла, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари атрофларида бизнинг эрамиздан бир неча минг йил илгарийёқ суғориб экин экилгани маълум. Қадимий суғориш иншоотларининг қолдиқлари жуда эски замонларга оид суғориш аломатлари шу маҳалгача сақланиб қолган жойлар кўп учрайди.

Мамлакатимизда қадимги замонлардаёқ суғориш усули Хоразм, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Марв воҳаларида, Фарғона водийсида қўлланилган. Бу жойларда қадимий суғориш иншоотларининг қолдиқларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Геродот маълумотича, қадимда Окс (Амударё) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий суғориш каналлари, сув иншоотлари барпо этилиб, чўлли, сахроли ерларга сув чиқазилиб деҳқончилик учун экин майдонлари кенгайтириб борилган.[1].

XX асрнинг сўнгги чорагига келиб қишлоқ хўжалигида қадим анъаналарга, бой тажрибага эга бўлган Ўзбекистон ва қўшни республикаларнинг аграр соҳасида кескин муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан деҳқончилик маданиятида маҳаллий шарт-шароитни, асрий тажрибаларни ҳисобга олмаслик, ер ва сувдан нотўғри фойдаланиш, пахта ва бошқа сувни кўп талаб қиладиган техник экинларни етиштиришга ружу қўйилиши Ўзбекистонда жиддий иқтисодий ва экологик муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Миллий давлатчилиқни қайта тикланишидан кейингина бу муаммолар ечимига киришиш, қишлоқ хўжалигида ислохотлар бошлаш, ер ва сувга янгича муносабат концепциясини ишлаб чиқиш ва зудлик билан амалиётга жорий этиш имкониятини берди. Аҳолининг учдан икки қисми қишлоқларда яшаб, асосан қишлоқ хўжалигида банд бўлган Республика учун ер ва сувга янгича муносабат муаммоси ислохотларнинг бош масласи эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек ирригация- мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш асосий устувор вазифалардан бирига айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳукумат дастури қабул қилинган. Бу соҳани

ривожлантириш бўйича республикада турли хил қарорлар, қонунлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича белгиланган устувор йўналишларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш, томорқа интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш таъкидлаб ўтилган.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3932-сонли Фармони қабул қилиниши ҳам сув ва сув ресурсларига бўлган эътибор белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2015 йил 29 августдаги “2015-2018 йиллардаги Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокати оқибатларини енгиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар комплекс дастури тўғрисида”ги Қарори ва бошқалар шулар жумласидандир.[3]

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бугунги кунда глобал муаммолар қаторида турибди. Она сайёрамиз иқлимида кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари туфайли тобора ортиб бораётган сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан кафолатли ҳосил олиш ва мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш барқарорлигини ошириш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғоришнинг тежамкор технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу борадаги ишларни жаҳон андозалари талабларига мос равишда бажаришга хориж инвестициялари жалб қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 сентябрдаги ПҚ № 957 сонли қарори ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 26.09.2008 йил № 165 сонли қарорига асосан “Андижон вилоятидаги “Улуғнор” насос станциясини қайта тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки кредит маблағини жалб этган ҳолда насос станция чет эл инвестиция маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинган. Лойиҳанинг умумий қиймати 11 188 469,0 минг сўмни ташкил қилган. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Хитой халқ Республикасининг “China National Electric Equipment Corporation” компанияси томонидан тузилган шартномага асосан Хитойдан 9 353 048,0 минг сўм миқдоридан ускуна-жихозлар олиб келинган ва шеф-монтаж, шеф-наладка ва мутахасисликларни ўқитиш ишлари олиб борилган. Қурилиш - монтаж ишлари 1 422 290, 0 минг сўм ва бошқа харажатлар 413 131,0 минг сўмни ташкил қилган.

Андижон вилоятининг суғориладиган ерларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган “Улуғнор” насос станциясини қайта тиклаш ишларига 2-сонли Қуриладиган корхоналар бирлашган дирекцияси масъул этиб белгиланган.

Объектдаги пудрат ишларини олиб боровчи пудратчи ташкилотни аниқлаш учун ўтказилган тендер натижасига кўра бош пудратчи деб топилган “Пахтабод КМК” МЧЖ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Қурилиш-монтаж ишлари 2009 йил июнь ойида бошланиб 2010 йил декабрь ойида якунланган. Андижон вилоятидаги 4088 га ерларни сув таъминоти яхшиланади.

Маънавий ва техник жиҳатдан эскирган, кўп электр энергияси талаб қиладиган насослардан воз кечилди. Улар ўрнига Хитойда ишлаб чиқарилган юқори энергияни кам сарфлайдиган насослар ўрнатилди.

Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани “Гулбахор - 1” насос станциясини қайта тиклаш лойиҳасини амалга оширишда ХХР Эксимбанки томонидан кредит ажратилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 11 797 053,0 минг сўмни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 2 февралдаги ПҚ - 1052 сонли қарори ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлигининг 06.02.2009 йил № 24-8 сонли қарори ижросини таъминлаш маақсадида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Хитой халқ Республикасининг “China National Machinery Import & Export Corporation” компанияси томонидан 9 205 038,0 минг сўм миқдорида ускуна-жихозлар олиб келинган ва шеф-монтаж, шеф-наладка ва мутахасисликларни ўқитиш ишлари олиб борилган. Қурилиш - монтаж ишлари 2 067 695, 0 минг сўм ва бошқа харажатлар 524 320,0 минг сўмни ташкил қилган.

Объект буюртмачисига 2-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бўлиб, тендерда ғолиб бўлган “Гидромахсусмонтаж” МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган. Қурилиш-монтаж ишлари 2009 йил июнь ойида бошланиб 2010 йил декабрь ойида якунланган. Андижон вилоятидаги 3668 га ерларни сув таъминоти яхшиланади.

Шунингдек, Андижон туманидаги “Раиш – хакент - 1 – 1к” насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси доирасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 12 сентябрдаги ПҚ № 958 сонли қарори ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 26.09.2008 йил № 164 сонли қарорига асосан амалга оширилган бу объектдаги ишларга ҳам ХХР Эксимбанкнинг кредити жалб қилинган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 4 881 412,0 минг сўмни ташкил этган. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Хитой халқ Республикасининг “China National Electric Equipment Corporation” компанияси томонидан 3 775 570,0 минг сўм миқдорида ускуна-жихозлар олиб келинган. Шунингдек, шеф-монтаж, шеф-наладка ва мутахасисликларни ўқитиш ишлари олиб борилган. Қурилиш - монтаж ишлари 890 770, 0 минг сўм ва бошқа харажатлар 215 072,0 минг сўмни ташкил қилинган. Ушбу объектдаги буюртмачилик ишларини 2-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси, қурилиш-монтаж ишларини эса “Андижонмахсуссувдренаж” МЧЖ томонидан олиб борилган. Қурилиш-монтаж ишлари 2009 йил июнь ойида бошланиб 2010 йил декабрь ойида якунланган. Андижон вилоятидаги 571 га ерларни сув таъминоти яхшиланади.

Шулар қаторида кейиги йилларда ҳам бир нечта насос станциялари қайта реконструкция қилинди. Жумладан, Булоқбоши тумани “Ширмонбулоқ” насос станцияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ - 1958 сонли қарорига асосан қайта тиклаш лойиҳаси амалга оширилган. Насос станция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинган. Лойиҳанинг умумий

қиймати 2 600 040,274 минг сўмни ташкил қилади. Объект буюртмачисига 2-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бўлиб, тендерда ғолиб бўлган “Гидромахсусмонтаж” МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган. Қурилиш-монтаж ишлари 2013 йил февраль ойида бошланиб 2014 йил август ойида якунланган. Булоқбоши тумани Б.Ражапов массивидаги 845 гектар суғориладиган ерларини сув таъминотини яхшилайдди.

Андижон тумани “Кўк гумбаз” насос станцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июндаги 01-02-70-48-сонли баёнига ҳамда 2013 йил 1 майдаги 01-03/1-250-сонли баёнига асосан тасдиқланган “2013 – 2017 йиллар дастури” бўйича амалга оширилган. Насос станция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинган. Қурилиш ишларини “Гидроспецмонтаж” МЧЖ томонидан олиб борилган. Лойиханинг умумий қиймати 2 926 160,000 минг сўмни ташкил қилади. Қурилиш-монтаж ишлари 2015 йил апрель ойида бошланиб 2016 йил июнь ойида якунланган. 401 гектар суғориладиган ерларини сув таъминотини яхшилайдди.

Асака тумани “Раиш - Хакент - 2” насос станцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 апрелдаги ПҚ - 2166 сонли қарори ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 22 апрелдаги 97-сонли буйруғига асосан амалга оширилган. Насос станция чет эл инвестиция маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинган. Хитой халқ Республикасининг “China IPPR International Engineerin Corporation Co.Ltd” компанияси томонидан 11 666 411,911 минг сўм миқдорида ускуна-жихозлар олиб келинган ва шеф-монтаж, шеф-наладка ва мутахасисликларни ўқитиш ишлари олиб борилган. Қурилиш - монтаж ишлари 6 202 258,207 минг сўм ва бошқа харажатлар 780 871,745 минг сўмни ташкил қилиб, лойиханинг умумий қиймати 18 649541,863 минг сўм. Қурилиш ишларини “Андижонмахсуссувдренаж” МЧЖ томонидан олиб борилган. Қурилиш-монтаж ишлари 2015 йил сентябрь ойида бошланиб 2016 йил октябрь ойида якунланган. Ушбу насос станция ёрдамида чиқарилган сув билан реконструкция қилишдан олдин 877 гектар экин майдонлари суғорилган. Насос станция реконструкция қилингандан сўнг насос станцияга боғланган экин майдони 3260 гектарни ташкил этди.

Мархамат тумани “Асака адир” насос станцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 апрелдаги ПҚ - 2167 сонли қарори ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 22 апрелдаги 97-сонли

буйруғига асосан амалга оширилган. Насос станция чет эл инвестиция маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинган. Хитой халқ Республикасининг “China IPPR International Engineerin Corporation Co.Ltd” компанияси томонидан 11 660 038,359 минг сўм миқдорида ускуна-жихозлар олиб келинган ва шеф-монтаж, шеф-наладка ва мутахасисликларни ўқитиш ишлари олиб борилган. Қурилиш - монтаж ишлари 5 052 862,269 минг сўм, бошқа харажатлар 596 330,0 минг сўм ва ускуна сотиб олиш 525 840,0 минг сўмни ташкил қилиб, лойиханинг умумий қиймати 17 835 070,628 минг сўм. Қурилиш ишларини “Жалақудукдавсувмахсуспудрат” МЧЖ томонидан олиб борилган. Қурилиш-монтаж ишлари 2015 йил сентябрь ойида бошланиб 2016 йил март ойида якунланган. Ушбу насос станция ёрдамида чиқарилган сув билан реконструкция қилишдан олдин 2769 гектар экин майдонлари суғорилган. Насос станция реконструкция қилингандан сўнг насос станцияга боғланган экин майдони 3659 гектарни ташкил этди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки реконструкция қилинган насос станциялар билан бир қаторда сўнгги йилларда бир нечта янгилари ҳам ишга тушди.

Избоскан тумани “Қурама” насос станцияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Илмий – техник кенгашининг 2016 йил 31 августдаги 25-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Избоскан туманидаги фермер хўжаликларини ерларини сув таъминотини яхшилаш учун “Қурама” насос станциясини қуриш” лойихаси бўйича амалга оширилган. Насос станция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан янги қурилган. Қурилиш ишларини “Жалақудукдавсувмахсуспудрат” ДУК томонидан олиб борилган. Лойиханинг умумий қиймати 2 173 748,815 минг сўмни ташкил қилади. Қурилиш-монтаж ишлари 2016 йил август ойида бошланиб 2016 йил декабрь ойида якунланган. Бириктирилган майдони 288 гектар.

Андижон тумани “Боғи - Бобур” насос станцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 06-06/1495-сонли баёнига асосан “Андижон вилояти Андижон туманидаги “Боғи - Бобур” насос станциясини қуриш” лойихаси бўйича амалга оширилган. Насос станция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан янги қурилган. Қурилиш ишларини “Жалақудукдавсувмахсуспудрат” ДУК томонидан олиб борилган. Лойиханинг умумий қиймати 219 899,668 минг сўмни ташкил қилади. Қурилиш-монтаж

ишлари 2012 йил октябрь ойида бошланиб 2013 йил декабрь ойида якунланган. Бириктирилган майдон 86 гектар. Хўжаобод тумани “ЖФК” насос станцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697-сонли қарорига асосан “Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Жанубий Фарғона каналига насос станциясини қуриш” лойихаси бўйича амалга оширилган. Насос станция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан янги қурилган. Қурилиш ишларини “Гидроспецмонтаж” МЧЖ томонидан олиб борилган. Лойиханинг умумий қиймати 27 474 862,172 минг сўмни ташкил қилади. Қурилиш-монтаж ишлари 2016 йил июнь ойида бошланиб 2018 йил декабрь ойида якунланган. Бириктирилган майдон 2800 гектар.

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиниши, бунинг учун давлат томонидан яратилаётган қулайликлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда қишлоқ хўжалиги соҳасида ирригация тармоқларининг кенгайтирилиши натижасида деҳқон ва фермер хўжаликларига ўз вақтида меъёридаги сув миқдорини етказиб бериш ишлари ижобий натижа бермоқда. Қишлоқ хўжалиги ишларини юқори даражада механизациялаштириш ва илғор агротехникадан фойдаланиш билан бирга олиб борилган ирригация тармоқларининг мислсиз кенг қулоч ёйиши фермерларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

## REFERENCES

1. Р.Шамсутдинов, Х.Мўминов Ўзбекистон тарихи. Андижон-2011й 58-б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Тошкент-2017й 130-б.
3. М.Турдибоева Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш: муаммолари, тарихи ва натижалари // Маънавий-маърифий ва сиёсий етуклик – жамият тараққиётининг гарови.-Т.: 2016. 165-бет.

4. Норин-Қорадарё сув тизимлари сув бошқармасининг 2010 йилги ҳисоботидан.
5. Норин-Қорадарё сув тизимлари сув бошқармасининг 2014 йилги ҳисоботидан.
6. Норин-Қорадарё сув тизимлари сув бошқармасининг 2016 йилги ҳисоботидан.